

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Лицензиялар электрон шаклда тақдим этилмоқда

Интернет тармоғида «Лицензия» ахборот тизимлари мажмуаси ишга тушди. Ушбу хизмат тадбиркорларга лицензиялаш ва рухсат беришга оид ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнларини электрон тарзда амалга ошириш имконини беради.

Тошкент шаҳрида мазкур хизматнинг ишга туширилиши муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш ҳамда Тараққиёт стратегияси марказлари томонидан ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идораларнинг лицензиялаш бўлими бошлиқлари, тадбиркорлик субъектлари, журналистлар иштирок этди.


«Лицензия» ахборот тизимлари мажмуаси 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифалар асосида ишлаб чиқилган.

Лойиҳа доирасида Электрон лицензиялаш портали яратилди. У

licence.gov.uz интернет манзилида фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда портал орқали 40 фаолият тури бўйича лицензия ва рухсатномалар олиш учун электрон ариза топшириш мумкин. Фойдаланувчиларга аризини кўриб чиқиш ҳолатларини кузатиб бориш, лицензиялаш ва рухсатномалар бериш жараёнларини автоматлаштирилган ҳолда амалга ошириш имкониятлари тақдим этилган.

2016 йилнинг декабрь ойидан бери синов режимиде ишлаётган янги ресурсга 46 давлат органи ҳамда уларнинг таркибий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари уланган. Бугунги кунга қадар 600 га яқин ариза қайта ишланган, 41 мингдан зиёд лицензия ва рухсатномалар реестри киритилган.

Айни пайтда тадбиркорларга транспорт, архитектура ва қурилиш, биржа,



кўчмас мулк, савдо, тиббиёт, дорихона, таълим, маданият, спорт, туризм ва реклама каби йўналишларда лицензиялар электрон шаклда тақдим этилмоқда.

Жорий йилнинг охиригача барча рухсатномалар босқичма-босқич порталда жорий этилади. 2018 йилнинг 1 январидан рухсатномалар бериш жараёнлари автоматлаштирилиб, лицензия олиш учун зарур рухсат берувчи ҳужжатлар электрон тизим орқали олинади.

— «Лицензия» ахборот тизимлари комплекси лицензия ва рухсат бериш

жараёнларини автоматлаштириш орқали лицензияловчи орган ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлиги ошади. Шу билан бирга, лицензиялаш бўйича маълумотлар, жумладан, лицензиялар реестрига киритилган маълумотларнинг очиклиги таъминланади, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини фаол ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



«Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун (29.03.2017 йилдаги УРҚ-421-сон) имзоланди. Ҳужжат «Халқ сўзи» газетасининг 30.03.2017 йилдаги 62-63 (6756-6757)-сониде чоп этилди ва 1.04.2017 йилдан кучга кирди.

Юқори судлов инстанцияларида ҳимоячи иштирок этиши шарт

Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддасига апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судлари томонидан кўриладиган ишларда ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги назарда тутилган тузатишлар киритилди.

Эслатиб ўтамиз, илгари қатор ишлар бўйича ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги қатъий белгиланган эди.

Бундан ташқари, белгиланишича, судланувчи (маҳкум) апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судлари томонидан кўриладиган ишларда ҳимоячининг иштирок этишини рад этган тақдирда ҳам, суд буни эътиборга олмаслиққа ҳақлидир ва ҳимоячи ишда иштирок этишни давом эттиради. Бундай ўзгаришлар ЖПКнинг 52-моддасига киритилди.

Янги жазо — мажбурий жамоат ишлари

Жиноий жазолар тизимига янги жазо — мажбурий жамоат ишлари жорий қилинди. Мажбурий жамоат ишлари маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборатдир (ЖКнинг 45-1, 82-1-моддалари).

Агар маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади.

Жазо 120 соатдан 480 соатгача бўлган муддатга тайинланади ва 6 ой давомида кунига 4 соатдан кўп бўлмаган вақтда ўталади. Бундай жазо меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан 60 соатдан 240 соатгача бўлган муддатга тайинланади. 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар томонидан бундай ишларни бажариш

муддати 6 ой давомида кунига 2 соатдан ошмаслиги керак. Бунда бажарилаётган ишлар вояга етмаганларнинг соғлиғига ва маънавий жиҳатдан ривожланишига зарар етказмаслиги, ўқиш жараёнини бузмаслиги лозим.

Маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзаси келган тақдирда эса, тайинланган жазо 1 йилгача бўлган муҳлатда ўталади.

Бундай жазо тури пенсия ёшига етган шахсларга; 16 ёшга тўлмаган шахсларга; ҳомиладор аёлларга, шунингдек 3 ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга; I ва II гуруҳ ногиронларига; ҳарбий хизматчиларга; чет эл фуқароларига ва Ўзбекистонда доимий яшамайдиган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Маҳкум жазонинг ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини (ишларнинг 4 соатини 1 кунга тенглаштирган ҳолда) озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштирилади.

Бундан ташқари, бундай жазо жазо тўлашдан бўйин товлаганда янада қатъий чора сифатида қўлланилиши мумкин (1 ЭКИХ миқдоридаги жарима учун 2,5 соат ҳисобидан, бироқ 480 соатдан ошмаслиги керак; вояга етмаганлар учун — 1 ЭКИХ жарима учун 2 соат).

Шунингдек турли хилдаги асосий жазоларни қўшган ҳолда ишларнинг 4 соати озодликдан маҳрум қилишнинг 1 кунига тенглаштирилади.

Мажбурий жамоат ишлари тарзидеги жазо Жиноят кодексининг моддаларидаги санкцияларга киритилди, бу моддалар билан шахсга қарши, иқтисодиёт, экология соҳасидаги, шунингдек ҳокимият, бошқарув органлари ва жамоат бирлашмалари фаолиятининг тартибига қарши, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарлик тартибига солинади.

Қонунда шунингдек мазкур жазо турини ижро этиш тартиби баён этилган.

2-бетда



Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Олий суд Пленуми юқори инстанция ҳисобланмайди

ЎРҚ-421-сон Қонун билан суд инстанциялари тузилмасига тузатишлар киритилди.

Биринчидан, Олий суд Пленуми (судьяларнинг умумий йиғилиши) бундан буён юқори судлов инстанцияси ҳисобланмайди. Илгари у назорат тартибда муайян суд ишларини (юқори турувчи судлар ва прокурорларнинг протестларига кўра) кўриб чиқар эди. Энди у фақат таъкилий масалаларни ҳал этади, суд амалиётини умумлаштиради ва қонун ҳужжатларини қўллаш тартиби тўғрисида тушунтиришлар беради.

Олий суд Раёсати энг юқори судлов инстанцияси бўлди. Унинг таркиби Раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ва бир неча судьялардан иборат. Раёсатнинг аниқ таркибини Пленум тасдиқлайди.

Иккинчидан, ўрта бўғин судлари раёсатлари (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ҳарбий суд) томонидан ҳам муайян суд ишлари кўриб чиқилмайди. Илгари улар ҳам назорат инстанциялари бўлган. Ўзгартиришлар киритилганидан кейин улар суд амалиётини умумлаштириш материалларинигина кўриб чиқади ва суд хайъатлари ва куйи бўғин судлари раисларининг маърузаларини тинглайдилар.

Ушбу судларнинг раислари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, Ҳарбий ва Транспорт прокурорлари назорат тартибда протест келтира олмайдилар.

Жиноят ишлари бўйича апелляция ва кассация судларининг қарорларини қайта кўриб чиқиш тартибига ҳам ўзгартиришлар киритилди.

Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов хайъати ва ҳарбий хайъати тегишсинча Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ҳарбий суднинг судлов хайъатлари чиқарган апелляция ва кассация ақримларини назорат тартибда кўриб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати Олий суд судлов хайъатларининг апелляция ва кассация ақримлари, шунингдек Олий суд судлов хайъатларининг назорат тартибда чиқарилган ақримларини кўриб чиқади (ЖПКнинг 519-моддаси).

Қўшимча тергов ўтказилмайди

ЎРҚ-421-сон Қонун билан жиноят ишлари қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинди – ЖПКдан 419-модда қиқариб ташланди.

Жиноят ишлари қўшимча терговга қайтариш институти бутунлай бекор қилиш ташаббуси Президентнинг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш

кафолатларини қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (21.10.2016 йилдаги ПФ-4850-сон) билан жорий этилди.

Илгари ЖПКнинг 419-моддаси бўйича суд 5 та асосдан биттаси мавжуд бўлганда, шу жумладан

ЎРҚ-421-сон Қонун билан қабул қилинган асосий тузатишлар қуйидаги жадвалда келтирилган

Бекор қилинаётган қоида	Амалга киритилаётган қоида
Дастлабки тергов тўлиқ ўтказилмаган бўлиб, уни суд мажлисида тўлдирish мумкин бўлмаганда қайтариш	Суд жиноят ишлари кўриб чиқишда дастлабки терговнинг тўлиқ эмаслигини ёки жиноят-процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилишларини бартараф этади. Яъни суд суриштирувни ўтказиш орқали бундай бузилишларни бартараф этади.
Суриштирув ёки терговчи томонидан ЖПК талаблари жиддий бузилган бўлса ва бу ишнинг тўғри ҳал қилинишига тўқтинлик қилганда қайтариш	Суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида йўл қўйилган техник йўсиндаги камчиликлар (шу жумладан ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва арифметик хатолар) аниқланган тақдирда, судья уларни бартараф этиш учун ишни прокурорга юборади. Бу судья жиноят ишлари дастлабки ўрганиб чиқишда (ишни суд муҳокамасига тайинлаш давомиди) амалга оширилади
Айбланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловнинг оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра айблов ҳулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қилганидан айблов билан алмаштириш учун асослар мавжуд бўлганда қайтариш	Прокурорнинг, жабрланувчининг, унинг вакилининг илтимосномасига кўра суд айблов ҳулосасини тасдиқлаган прокурорга айбловни тўлдирish тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун ҳолатларга 1 ой доирасида аниқлик киритишни топширади. Натижалар бўйича судга тўлланган далиллар тақдим этилади, прокурор айблов ҳулосасига қўшимча билан таништиради ва унинг нухасини айбланувчига ва унинг ҳимоячисига топширади. Судланувчининг, унинг ҳимоячисининг илтимосномаси бўйича янги материаллар билан танишиш ва эътирозларни тайёрлаш учун 10 суткагача вақт берилади. Суднинг ажрими белгиланган мuddатда ижро этилганда ёки дастлабки айбловни ўзгартириш ёки тўлдирish учун далилларни аниқлаш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, суд жиноят ишда мавжуд бўлган далиллар асосида суд муҳокамасини давом эттиради. Шунингдек айбловнинг ўзгартирилиши ишни кейинги кўриб чиқишлари бўйича суднинг ваколатига таъсир кўрсатмайди (дастлабки судланув алмаштирилмайди)
Шу иш юзасидан бошқа шахсларни айбланувчи тариқасида жалб қилишга асослар бўлса ва уларга тегишли материалларни ишдан ажратиш мумкин бўлмаганда қайтариш	Мазкур ҳолатдаги таомил айбланувчига бошқа айбловни қўйиш тартиби билан ўхшаш бўлади
Иш нотўғри бирлаштирилган ёки ажратилганда қайтариш	Бундай ҳолатларнинг олдини олиш чора-тадбирлари қабул қилинди. Прокурор айблов ҳулосаси билан келиб тушган ишни кўриб чиқишда бу масалани алоҳида ўрганиб чиқади. Кейин эса бу судья томонидан жиноят ишлари суд муҳокамасига тайинлашда қайта кўриб чиқилади

Хат-хабарларни суднинг рухсатномасига кўра хатлаб қўйиш мумкин

Хат-хабарларни ушлаб туришга санкция (рухсатнома) бериш ҳуқуқи прокуратурадан судга ўтказилди. Бу ҳақдаги тузатишлар Жиноят-процессуал кодекси ва «Судлар тўғрисида»ги Қонунга киритилди.

Маълумот учун. Почта-телеграф жўнатмалари жумласига барча турдаги хатлар, телеграммалар, радиограммалар, бандероллар, почта кассетлари кирди (ЖКПнинг 166-моддаси).


Энди терговчи ёки суриштирувчи томонидан мазкур тергов ҳаракатларини олиб бориш учун почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисида илтимоснома

далиллар етишмаганда (дастлабки тергов тўлиқ ўтказилмаганлиги) ёки қонун ҳужжатларининг бузилишлари (суриштирувчи ёки терговчи томонидан ЖПК талабларининг амалда бузилганлиги) туфайли улар ноҳуш деб топилганда жиноят ишлари қўшимча тергов юритиш учун икки мартагача қайтариши керак эди. Ушбу талаб ЖПКнинг «Оқлов ҳукмини чиқариш асослари» деб номланган 464-моддасининг амал қилишига тўқтинлик қилар эди.

қўзғатиш ҳақидаги қарори асосланган бўлиши керак. Қарор келишиш учун прокурорга юборилади. Прокурор бунга рози бўлган тақдирда, илтимоснома ва зарур материалларни жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига юборади.

Кейин суд 48 соат ичида ёпиқ суд мажлисини ўтказиш шарт. Унинг натижаларига кўра суд ажрим қабул қилади, ажримда мазкур тергов ҳаракатлари ўтказилишини рад этади ёки ўтказишга рухсат беради ва бу ишни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширади.

Мазкур таомил Интернет умумжаҳон ахборот тармоғидаги ёзишмаларга (электрон почта, ижтимоий тармоқлар, месенжерлар ва ҳоказолар) дахлдор эмас. Унинг мазмунини билан «Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонун доирасида танишиб чиқиш мумкин.



ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 11 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади.*)

1 Австралия доллари2730,39	1 Малайзия рингити822,61
1 Англия фунт4520,72	1 Польша злотийси914,79
1 Дания кронаси519,62	1 СДР4948,55
1 БАА дирҳами993,97	1 Туркия лираси979,36
1 АҚШ доллари3650,74	1 Швейцария франки3616,75
1 Миср фунти202,82	1 ЕВРО3894,88
1 Исландия кронаси32,49	10 Жанубий Корея вони31,97
1 Канада доллари2720,78	10 Япония иенаси327,71
1 Хитой юани528,63	1 Россия рубли64,14
	1 Украина гривнаси135,34

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олман.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	10.04.2017	1	1,7031	1	1,8029	1	0,0296
Арманистон	7.04.2017	1	485,23	1	516,19	1	8,52
Беларусь	10.04.2017	1	1,8938	1	2,0131	100	3,3277
Грузия	10.04.2017	1	2,4151	1	2,5680	100	4,2441
Қозоғистон	10.04.2017	1	313,02	1	332,9	1	5,5
Қирғизистон	10.04.2017	1	68,4510	1	72,9551	1	1,2129
Молдова	10.04.2017	1	19,3975	1	20,6205	1	0,3407
Россия	8.04.2017	1	56,9201	1	60,5687	—	—
Тожикистон	10.04.2017	1	8,3985	1	8,9276	1	0,1498
Туркменистон	10.04.2017	1	3,5000	1	3,7072	100	6,1148
Украина	10.04.2017	100	2 697,3995	100	2 867,3357	10	4,7389

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

УШБУ СОНДА

• АКТ – АМАЛИЁТГА
– Лицензиялар электрон шаклда тақдим этилмоқда
1-бет

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ
ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Валюталар курси
1-2, 7-бетлар

• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ
– Аҳоли манфаати

бизнесдан устун
– Ўтказиб берувчилар шошадилар
– Электр тармоғидан узиб қўйиш сабаблари
– ХУМШ аъзоси бўлишни истамайман

– Ҳокимлик ижтимоий тармоқларда мулоқотга киришди
3-6-бетлар

• ШАХСИЙ МАНФААТ
– Лицензиясиз реклама

– Ҳаммани ҳисоблаймиз
– Ўриндош директор
– Бошлиқ жавоб беради
– Ходим вафот этди, иш ҳақи қолди

8-бет

Тахрират аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни унинг шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб бошиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



МУНДАРИЖА:

- ✓ Аҳоли манфаати бизнесдан устун
- ✓ Етказиб берувчилар шошадилар

- ✓ Электр тармоғидан узиб қўйиш сабаблари
- ✓ ХУМШ аъзоси бўлишни истамайман
- ✓ Ҳокимлик ижтимоий тармоқларда мулоқотга киришди



Жиддий мавзу

Аҳоли манфаати бизнесдан устун

Уй-жой коммунал хўжалиги тизимини ислоҳ қилиш арафасида «тез орада битта катта ЖЭК пайдо бўлармиш», «ширкатлар ёпиларкан», «ХУМШлар бошқарувчи компанияларга (БК) киритиб юборилади», «битта уйдан иборат ширкатлар тугатилиб, фақат БКлар қолар эмиш» ва ҳоказо миш-мишлар тарқалди. Уй-жой коммунал хўжалиги бугунги кунда катта ўзгаришлар остонасида турибди, УҚХ вазирлигини ташкил этиш бўйича иш олиб бориляпти. Шу муносабат билан ушбу соҳа фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар тайёрланяпти. Бироқ туб ўзгаришлар доирасида хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлайдиган негиз бўлувчи, базавий нормалар, ишонамизки, бузилмайди. Шу жумладан кўп квартиралли уйда умумий мол-мулк жой мулкдорларига умумий улушли эгалик қилиш ҳуқуқи билан тегишли бўлишини белгилайдиган нормалар ҳам. Мулкдорлар уни сақлаб туриш, шу жумладан бошқариш, хизмат кўрсатиш, таъмирлаш усулини танлаш бўйича мустақил қарорлар қабул қилишга ҳақлилар.



Мулкдорларнинг умумий мол-мулкни бошқариш мавзусида суҳбатлашиш учун Тошкентдаги Чилонзор туманининг 19-мавзесида жойлашган «Моҳи-Нур Коммунал» бошқарувчи компаниясига йўл олдик. У уй-жой хизматлари бозорида ўн йилдан бери ишлайди, барқарор, тезкор суръатлар билан ривожланаётган компания сифатида ном чиқарган.

Пойтахтдаги энг муваффақиятли компаниялардан бири ҳисобланади.

БК раҳбари **Моҳира Нуралиеванинг** айтишича, УҚХ-ни ислоҳ қилиш уй-жой фонди ҳолатини, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, умуман



*Таҳририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда қўмаклашишга вақолатли эмас.

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз **Ирина Гребенюк** олиб боради.

тармоқ самарадорлигини оширишга йўналтирилади. УХХ аҳолининг турмуш тарзини белгилайдиган соҳалардан бири ҳисобланади, у ҳар бир кишига дахлдор. Шу боис бўлғуси ўзгартиришлар кўп фуқароларни қизиқтираётган масалалардан. Ташвишланишга асос йўқ деб ўйлайман. Бошқарув усулини танлаш ҳуқуқи ширкатда қолиши керак. Дастлаб БКлар ўз штатини сақлаб туриш самарасиз бўлган кичик ва бир уйдан иборат ХУМШларга хизмат кўрсатиш учун барпо этилган эди. Бироқ ҳеч ким БКга куч билан киритилиши керак эмас. Қарорни ширкат аъзолари қабул қилишлари керак. Агар ширкат ўз уйи учун профессионал бошқарувдаги манфаатни кўрсатса, у бошқарувчи компанияни ёллайди. ХУМШни жалб этиш учун компания ўзининг профессионализми, иш ва хизматларининг сифатлиги, шартномавий мажбуриятларни бажаришда масъулиятлилиги ишонтириши керак.

— Компаниямиз 8 ширкатга хизмат кўрсатади, уларда 28 кўп хонадонли уй бор, — дейди Моҳира Нуралиева. — 26 уйга **тўлиқ техникавий хизмат кўрсатамиз**, иккитаси учун айрим хизматларни кўрсатамиз. Бунда танлашда тўлиқ эркинлик бор. Бизга уй ҳўжалигини сақлаб туриш бўйича барча иш ва хизматларни топширган ХУМШлар бошқарушнинг бундай усули самарадор эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Уларга фақат БК ишини назорат қилиш, мажбурий бадалларни ўз вақтида тўлашлари учун ХУМШ аъзолари билан ишлашгина қолади. Бир марталик хизматларга буюртма берадиган ширкатлар эса хизмат кўрсатишни ўзлари удралаяптилар. Ҳар бир ХУМШ унга нима фойдали эканлигини ўзи ҳал қилади.

БК хизматидан фойдаланадиган ширкатлар таркиби турлича: битта уйдан олти уйлигача бор. Бизга учта уйни ўз ичига олган ХУМШ тўлиқ хизмат кўрсатишимизга доир шартномани тузиш нияти билан мурожаат қилди. Уларга аввал ўзаро ажралиб, ҳар бир уйда ширкат тузишни, кейин биз билан шартнома тузишни таклиф қилдим. Умумий йиғилишнинг қандай ўтказишни кўрсатдим, ўзим унда иштирок этдим. ХУМШ аъзолари ажралиш учун овоз беришганда рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини тўплашда ёрдам бердим.

БК фаолияти биринчи навбатда бир уйли ва кичик ХУМШларга қаратилган бўлса-да, «Моҳи-Нур Коммунал» бошқарувида 6 уйли ширкат бор, у умумий мол-мулкка ўз кучи билан хизмат кўрсатиш борасида аччиқ тажрибага эга. Илгари у ерда фақат бир ижрочи директор бўлган, у уй ҳўжалиги сақлаб турилишини йўлга қўя олмаган. Ширкат аъзолари шикоят қилиб бормоган жойлари қолмади. Бошқарувчи компания ёрдамида кўшни уйлар тубдан ўзгараётганлигини кўриб, улар ҳам бир ярим йил аввал унга ўз кўп қаватли уйларига хизмат кўрсатишни топширишга қарор қилди. Бир неча ХУМШга бўлинишни эса улар хохламадилар. БК ёрдамида



хатто бундай уйлар ҳамжамиятида ҳеч қандай бош оғриғи бўлмайди. «Бироқ ҳаммаси дарҳол бўлишини хоҳлашади, — деб ҳикоя қилади Моҳира. — «Кўшни уйларда кўп нарсалар қилинган, қачон бизда ҳам шундай бўлади?», — дейишади. Бироқ кўшни уйларни тартибга келтиришга бир неча йил кетган. Бу ерда эса ишларнинг жуда катта ҳажми ётибди, ўз ҳолига ташлаб қўйилган ҳўжалик бор, уни бир ярим йил ичида тиклаб бўлмайди».

Сиздаги европача бошқарув бизга ҳам керак

БК хизмат кўрсатадиган кўп қаватли уйларда ишларнинг қизгин бораётганлигига ҳавас билан қараб кўшни уйларнинг яшовчилари шундай дейишади. Улар ўртасидаги фарқ ҳақиқатан ҳам сезиларли. Фақат 2016 йил якунларига назар ташласак: худудга бетон ётқизиш бўйича жуда катта иш бажарилди; 4 уйда пластик деразалар ўрнатилди, 2 уйдаги шахталарда иссиқ сув ва совуқ сув қувурлари алмаштирилди; 3 уйда том мукамал таъмирланди; 2 уйда эса ертўлалар мукамал таъмирланди; қарийб 50 га яқин йўлак таъмирланди; қвартира стоякларини пластик стоякларга алмаштириш ишлари бажарилаётти ва ҳоказо.

Катта харажатли ишлар кредитлар ҳисобидан бажарилапти, уларни бу ерда муаммосиз қайтаришади. Аввалига кўшнилари бадал миқдори кескин ошиб кетади деб хавфсизраган эдилар, бироқ бундай бўлмади. Моҳира агар бадаллар ўз вақтида тўланса, кредит олиш кўринчли эмаслигига уларни ишонтира олди. Кредит тўлов интизомини тақозо этишини тушунтирди. Кишилар уларнинг уйларидаги ўзгаришлар қарз маблағлари ҳисобига юз бераётганлигини кўрдилар. Бунда 2017 йил учун бадал миқдори шаҳар бўйича ўртачадир. Икки ХУМШда у 1м² умумий майдон учун 500 сўмни, қолган уйларда эса 1м² учун 600 сўмни ташкил этади. БК хизматлари

Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз **Ирина Гребенюк** олиб боради.

хисобланмаларнинг 30%ини ташкил этади. Хизматлар учун тўловнинг нисбатан паст бўлиши компания обороти ҳисоби-га юз берапти. Кўп квартиралли уй-жой фондидан ташқари у бошқа объектларда таъмирлаш ишларини бажаради.

Кредит олиш хусусига келсак, том ва пештоқни мукамал таъмирлашга дастлабки кредитни Моҳира 2005 йилда ўша пайтда бошқараётган ширкат учун олган эди. У пайтларда кредит бериш механизми етарлича ишлаб чиқилмаган эди. Бошқа ширкатлар қарз-кредит олишдан чўчишарди, Моҳира эса дадил иш тутди. Қарзни муваффақият билан сўндириб, янгисини олди. Қарз маблағлари ёрдамида ана шу ХУМШга бирлашган 17 уйи тартибга келтирилди. Хуллас, БКга раҳбарлиги бошланганда кредит маблағларини муваффақият билан ўзлаштириш тажрибасига эга эди. Қарзларни қайтариш жадвал бўйича боради, баъзан депозит маблағлар ҳисобига мuddатидан олдин қарзни узади.

2017 йил учун ҳам туб ўзгартришларнинг кенг дастури мўлжалланган. 10 уйда энергияни тежаш мақсадида пластик деразалар ўрнатилди. Бу эса йўлакларда, демек квартираларда ҳам иссиқлик сақлаш имконини беради. Бир уйда томни мукамал таъмирлаш режалаштирилган. 9 уй худудини бетонлаштириш назарда тутилган. 4 уйда ертўлалардаги ётқизилган ҳодалар алмаштирилади ва ҳоказо.

БК техник ҳодимлар билан таъминланганлиги ҳам унинг ютуғидир. «Моҳи-Нур Коммунал» штатида 4 сантехник, пайвандчи, 7 фарош, электрик, ҳисоб-китоб бухгалтерия, бош бухгалтер, бош муҳандис, диспетчер бор. Бундан ташқари, зарурат бўлганда вақтинчалик ҳажмларда бетон ётқизувчилар (3 киши), бўёқчи (4 киши), том ёпувчилар (2 киши) бригадалари шакллантирилади. Улар БК билан кўп йиллардан бери ишлаб келадиган мутахассислардир.

Яшовчиларнинг кўпчилиги қўшнилари уй деразалари ёнида ўз автомобилларини сақлашларидан норози эди. Бошқарувчи бетартиб тураргоҳларни тутатиш учун автокўнимгоҳларни барпо этишни таклиф қилди. ХУМШ аъзолари ушбу масалани умумий йиғилишда муҳокама қилдилар, уни маъқуладилар. Дастлабки икки кўнимгоҳ ўтган йили пайдо бўлди. Мазкур иш жорий йилда ҳам давом эттирилади.

Ободонлаштириш ишлари доирасида шийпончалар, болалар майдончаларини қуриш режалаштирилган. Уларни буюртириш жуда қimmatга тушади. Ўз кучи билан бажаришган эди – ХУМШ учун 1,5 млн сўмини тежашди. Моҳира болалар майдончалари ва шийпончалар барпо этиш ҳадисини олмоқчи, бунинг БК фаолиятининг йўналишларидан бирига айлантиради. Бунинг учун моддий-техник базани кенгайтиришяпти.

«Нима учун тўлаймиз?» деган савол йўқ бўлди

БК раҳбарининг айтишича, у хизмат кўрсатаётган уйларнинг аҳолиси «Нима учун тўлаймиз?» деган саволни бермай қўйишди. Моҳира Нуралиеванинг ўзи ана шу уйлардан бирида яшайди. Хизматлар буюртирувчилари – унинг қўшнилари, Моҳиранинг ўзи уларнинг фаровонлигини кўзлаб

ишлайди. Кишилар ўз уйларидаги ўзгаришларни кўриб туришибди, шу боис ҳам БКга ишонишади. Олий мукофот ҳам уларнинг миннатдорчилиги бўлиб, бошқарувчи учун у моддий манфаатдан юқори туради. Моҳира ҳақида гап кетганда у компанияга қараганда ХУМШ манфаатларини кўпроқ ўйлайди дейишади.

БК – тижорат тузилмаси, унинг пировард мақсади – фойда олиш. «Моҳи-Нур Коммунал»да эса бизнес, айтиш мумкин-ки, инсонлар манфаати а йўналтирилган. Бошқарувнинг турмуши янада яхшироқ бўлишини кўзлашди, аҳоли учун ишлашди ва улар дардларига шерик бўлишади. Ширкатлар дарҳол ишга ҳақ тўлай олмасалар, бошқарувчи уларнинг аҳолини доим тушунади. Ишни қарз эвазига бажаришди, кейин ХУМШ қарзини узади. Ёки ҳамма вақт улар учун пулни тежашга ҳаракат қилади, бу эса оз сумма эмас. Нима қилишса яхши бўлишини айтади. Бир сафар бир ширкат аъзолари уларда ҳамма иш ёмон эканлиги хусусида шикоят қилишди. Уй қишга тайёр эмас, нима қилишни билишмайди. Моҳира ҳаммаси уларнинг ўзига боғлиқлигини тушунтиришга уринди. «Умумий йиғилиш чакиринглари! Йиғилишга келганида яшовчиларнинг қаршилликларига дуч келди. Аёллардан бири шундай деди: «У нима қилишини кўрайлик-чи. Ҳамма ҳам чиройли гапиролди». Бугун у ушбу ХУМШни бошқаряпти, уй БКнинг тўлиқ хизмат кўрсатишида, барқарор тусда ишлаяпти. Йўлакларни таъмирлаш вақтида бошқарувчи компания девор ва панелларни қандай рангга бўяш кераклиги тўғрисида қўшнилари билан маслаҳатлашади. Яшовчилар кўпинча тез кир бўлмаслиги учун тўқроқ бўлсин дейишади. Бунда БК учун фарқ йўқ: тўқроқ бўлишини хошлашяптими – марҳамат! Моҳира эса очроқ рангини таклиф қилади: ўз уйингдагидек чиройли бўлади-да.

ХУМШ аъзолари билан муносабатларда инсон омили катта роль ўйнайди. Эҳтипол, уй-жой соҳасида айна шундай бўлиши керакдир? Аслида ишнинг муваффақияти ширкатнинг ёки БК яшовчилари билан муносабатларни қандай қуришига боғлиқ. Бошқарувчи уларнинг уйлари тўғрисида уларнинг ўзларига қараганда кўпроқ гапхўрлик қилаётганлигини кўришса, уни ўз қадрдон одамлари, деб қабул қилдилар, у билан қувонч ва ташвишда бирга бўладилар.

8 марта арафасида Моҳира Нуралиева уч миллий телеканалнинг диққат марказида бўлиб қолди. Масалалар кредитлар, томлар, кўп қаватли уйларни қандай қилиб тартибга келтириш тўғрисида, яшовчилар кўп шикоят қиладиган нарсаларга тааллуқли бўлди. Уй-жой соҳасида ишлаётган 20 йил давомидаги шioriни тақрирлади: «Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ», – ва ХУМШ ҳамда БК амалиётидан ишонарли мисоллар келтирди.

Телебошловчи ва иштирокчилар ҳайратда эдилар: хоҳлаган одам танқид қиладиган, маст-аласт сантехниклар, чакка ўтаётган томлар, сувга тўлган ертўлалар, бошқа ишқалликларга тўлиб ётган уй-жой соҳасида қандай қилиб 20 йил мобайнида ишлаш ва ушбу соҳадан қизиқарлироқ иш йўқ деб ҳисоблаш мумкин экан? Ёки ширкат ва яшовчиларнинг манфаатларини ўз бизнесидан, моддий нафлардан юқори қўйиш мумкин?

Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Телевидение ходимининг: «Агар ҳаёт сизга иккинчи марта яшаш имкониятини берса, қандай касбни танлар эдингиз?» – деган саволга у шундай деб жавоб берди: «Мен барибир уй-жай соҳасини танлар эдим, ўзимни унга бағишлаганликдан ҳеч ҳам ачинмайман, чунки кишилар ҳаётини яхшироқ қилишга интилдими». Балки, кимдир бу сўзларнинг самимийлигидан шубҳаланар. Бироқ кишиларнинг: «Нима иш қилган бўлсак, ҳаммаси самимийдир», – деган миннатдорлик сўзлари келтирилган видео бунинг тасдиғидир. Моҳирага бағишланган

самимий шеър ҳам бунга исбот. Шеърни оддий аёл, уйда яшовчилардан бири қалбидан чиқариб, таъсирли қилиб ёзган. Аслида ана шу меҳрнинг кадри баланд туради.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан Моҳира Нуралиева ҳақли равишда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони билан тақдирланди. Баҳорги нурафшон кунларда унга мустаҳкам соғлиқ, барча хайрли ташаббуслари амалга ошишини, ўз йўлидан ҳормай-толмай бораверишини тилаймиз.



ХУМШ муаммолари

Етказиб берувчилар шошадилар

Кейинги вақтда Тошкент ХУМШ уюшмасининг юридик хизматига келадиган, уй-жай мулкдорларининг мажбурий бадаллар бўйича қарзларини ундириш масалалари бўйича мурожаатлари сони қисқарди. Илгари уларнинг салмоғи катта бўларди. Бу ҳол ХУМШдан қарздорлар камайганлигини кўрсатмайди. Аксинча, ширкатларни режалли текшириш якунлари бўйича уларга кечиктирилган дебиторлик қарзи учун кўплаб жарималар солиняпти. Текширувчилар нима учун ширкатлар уни суд тартибда ундирмаётганлигидан ҳайрон бўлишади – зеро ушбу даъволар ҳеч қандай сансалорликсиз кўриб чиқилади.

Улар электр ва иссиқлик энергиясини етказиб берувчилар билан суд муҳокамаларига шўнғиб кетганликлари боис ХУМШнинг қарздорлар билан иши бўлмай қолган. Қарздорларга уларнинг қўллари етиб бормаяпти. Бунда ҳам кучли эҳтирослар жўш уради. Қўчликнинг фикрича, етказиб берувчилар билан судлашиш, уларга ўз ҳақликларини исботлаш аввал-бошдан фойдасиз ишдир. Донишманд айтганидек: «Ёғочнинг бўшини қурт ёйди доим». Бунинг устига кучли – монополиячи бўлиб, ўзининг монопол ҳолатидан тез-тез фойдаланиб, ХУМШларга миллионлаб ҳисобланадиган суммаларни асоссиз равишда тақаб туради.

Шундай бўлса-да, кўпгина ширкатлар қатъият, бир сўзликлик намоён этиб, ўз позицияларини ҳимоя қиляптилар. Бунда уларга Уюшманинг юридик хизмати ёрдам бермоқда. У ХУМШ номидан ширкатларнинг манфаатларини судларда ҳимоя қилади, маслаҳатлар беради, рўйхатдан ўтказишда, қарзларни ундиришда кўмаклашади, кредитларни ўзлаштириш билан боғлиқ масалаларни тушунтиради ва ҳоказо.

Ширкат раҳбарлари ва уларнинг аъзолари бу ерга қандай муаммолар

билан мурожаат этади? Бу ҳақда юридик хизмат раҳбари **Кристина Тантибоева** ҳикоя қилади.

Иссиқлик зарби

– 2015 йил охирида туман «Тош-иссиққуввати» ИЧБ УК вакиллари (бундан кейин – *Тошиссиққуввати*) кўп хонадонли уйларда иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимларидан иссиқлик манбаини оқизишларни аниқлаш мақсадида ширкатларни айланиб чиқдилар. Иссиқлик таъминотчилари учун бу – коммунал маҳсулотни йўқотишлар, шу боис бу қонун ҳужжатлари билан тақиқланган. Ушбу иш якунлари бўйича 2016 йилда Тошкент хўжалик судига Тошиссиққувватининг оқизиб юборишлар оқибатидаги зарарларини ХУМШлар тўлаши ҳусусидаги талаблари ёғилди. Етказиб берувчи томонидан қўйилган жарималар миқдори 300 мингдан **150 млн сўмгачани** (!) ташкил этди. Бу жуда катта пул! Кўплаб ширкатлар учун бу ҳалокат таҳдидини соларди. Бунинг устига асоссиз бўлган бундай жарималарни ҳисоблаб ёзиш ХУМШ ишини бутунлай фалаж қилди.

Текширувларни ўтказиш чоғида иссиқлик таъминотчилари ВМнинг

15.07.2014 йилдаги 194-сон қарорини рўқча қилдилар, ҳолбуки ушбу ҳужжатга кўра балансга тегишли бўлиш чегаралари – бинонинг бурчаги (цоколи). Нимага асосланиб улар ўз ҳолларича уйлارнинг ертўлаларига кирдилар ва мулкдорларнинг умумий мол-мулк ҳолатини текширдилар? Зеро ертўлада мавжуд бўлган ҳамма нарса ХУМШ балансида туради. 194-сон ВМҚ иссиқлик таъминотчиларининг уйнинг умумий тизимларига киришини ХУМШ ходимлари таъминлашлари кераклигини белгилайди.

«Янги Қозиробод» ХУМШга эътибор қаратамиз. Ундаги вазият бошқа ширкатлар учун ҳам хосдир. Тошиссиққуввати ушбу ХУМШга нисбатан даъво бериб, унга 5 млн 254 минг сўм миқдорида жарима тўлашни талаб қилди. Биринчи ва иккинчи инстанция судлари етказиб берувчининг талабини қондирдилар. Бироқ улар иссиқлик таъминотчиларининг ҳисоб-китоблари ҳам, текшириш далолатномалари сингари, етарлича асосланмаганлигини эътиборга олмадилар. Уларда кўрсатилган иссиқлик манбаининг параметрларидан келиб чиқилганда, оқизиб юборишлар бўлиши мумкин эмас эди.

Маззувий сонни махсус муҳбиримиз **Ирина Гребенюк** олиб боради.

Ширкатлар суднинг қарорларига рози бўлмадилар. ХУМШ номидан Уюшманинг юридик хизмати кассация шикоятини берди. Биринчидан, ФКнинг 8, 234-моддаларига мувофиқ шартномалар бўйича мажбуриятлар зарарлар етказиши оқибатида ва ФКда кўрсатилган бошқа асослардан юзага келади. Бироқ ХУМШ билан Тошсиссиқуввати ўртасида иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатиш шартномаси мавжуд эмас. У етказиб берувчи билан ФКда кўрсатилган ўртасида тузилади. Ширкатда етказиб берувчи билан **фақат** иссиқлик таъминоти тизимларини **ювишга шартнома** бор. Бундай ҳолатда етказиб берувчи ХУМШга нисбатан даъво талабларини қўйиши мумкинми?

ВМнинг 194-сон қарори билан белгиланишича, оқизиб юборишлар аниқланганда далолатнома тузилади, уни етказиб берувчининг вакили ва истеъмолчи имзолайдилар. Истеъмолчи далолатномасини имзолашдан бош тортганда ижрочи (ХУМШ) бўйин товлашни қайд этади.

Бироқ бизнинг ҳолатда оқизиб юборишлар аниқланганда ва бу ҳақда далолатнома тузилганда Тошсиссиқуввати вакиллари далолатноманинг иккинчи нусхасини атайлаб ХУМШга бермаганлар, чунки уни ширкат раиси эмас, балки «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунга (бундан кейин — **ХУМШ тўғрисидаги Қонун**) мувофиқ имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлмаган бошқарувчи компаниянинг раҳбари имзолаган эди. Далолатнома ХУМШ муҳри билан тасдиқланган эди. БК раҳбари далолатномадаги ўз имзосини тан олмади. Муҳр қандай қилиб олинганлиги ҳам муаммо. Бундан келиб чиқиб, сўз имзони қалбақлаштириш ва муҳрни алдов йўли билан олиш тўғрисида борапти деб ҳисоблаш мумкин.

Кассация қарориди Тошсиссиқувватининг вазлари қабул қилинмади. Суд унинг текширув далолатномаларини тан олмади. Бунинг устига қонун ҳужжатларида уларга муҳр қўйиш назарда тутилмаган, шу боис далолатномаларни тан олишни тасдиқлаш учун асос бўла олмас эди. Олий ҳужалик судининг кассация инстанцияси биринчи инстанция

судининг ҳал қилув қарори, апелляция ажримини бекор қилиш ва Тошсиссиқувватининг «Янги Қозиробод» ХУМШга нисбатан талабларини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Электр — машмаша

Хўжалик судига ширкатларга нисбатан ТошшаҳарЭТКдан ҳам даъволар оқими бошланди. Улар ХУМШни текширувдан ўтказдилар ва натижада кўп квартиралар уйларда умумий уй электр ҳисоблагичларининг йўқлигини аниқладилар. Ҳисоблагичлар бўлмаган жойларда ширкатларга, шу жумладан ХУМШ офисларида электр истеъмолини ҳисобга олган ҳолда жарима солдилар. Бунда даъво муддатини ҳисобга олган ҳолда 3 йил учун ҳисоблашди. Натижада 1 компьютер, 1 электр чайноқ ва 1 лампочка бўлган кичик хона учун ширкат етказиб берувчига жуда катта сумма — 15–18 млн сўм тўлаши белгиланди. Бунинг устига ҳисоблаш қону тун истеъмолдан келиб чиқиб амалга оширилди. Лифтлар ишини ҳам худди шундай — суммасига тўхтовсиз 24 соат ишлашдан келиб чиқиб ҳисоблашди.

Бундай ҳолларда ширкат қайси пайдан бошлаб офисга эгаллигига эътибор бериш керак. Ҳисоблашлар миқдори ана шунга боғлиқ. Агар текширув далолатномасини ТошшаҳарЭТК аярдга тузган, ширкат эса хонага мартда кўчиб келган бўлса, суд етказиб берувчининг 3 йил эмас, балки 1 ой учун талабларини қондиради. Бироқ кўчиб келиш санаси бошқарув ёки умумий йиғилиш баённомаси билан тасдиқланиши, ижара шартномасида акс эттирилиши керак. Шу сабабли ширкат ҳужжатларини тўғри, батариб юритиши, ўзининг ҳаракатларини баённомалар билан тасдиқлаши керак.

ХУМШга нисбатан етказиб берувчилар судга 150 дан ортиқ даъво тақдим этдилар. Ширкатлар ТошшаҳарЭТКнинг ҳисоб-китобларига рози бўлмадилар ва судда уларга нисбатан норозилик билдирдилар. Улардан бири «Заргар Сервис Коммунал» бўлиб, ундан 68 млн 682 минг сўм жарима ундириш тўғрисида даъво талаблари қўйилган. Суд етказиб берувчининг талабларини

қондирди, бироқ ХУМШ уларни тан олмади. Апелляция инстанцияси уларни қисман қондириш: ХУМШдан 5 млн 723 инг сўм жарима ундириш тўғрисида ажрим чиқарди.

Бундан кейин қандайдир ошкор этилмаган кўрсатмага асосланиб ТошшаҳарЭТКнинг ХУМШга нисбатан жарима ундириш тўғрисида даъво талабларини судлар қарийб 10% миқдориди қондира бошладилар. Чамаси, ўз манфаатларини ҳимоя қилиб жонжаҳдлари билан курашган бир қатор ХУМШларнинг қатъий позицияси роль ўйнади. Зеро етказиб берувчилар даъво талабларида ҳисоблашларнинг ҳисоб-китобларини асослаб бермаган, уларни ширкатларга тақдим этишдан бўйин товланган эдилар.

Бугунги кунда ТошшаҳарЭТК умумий уй ҳисоблагичлари йўқлиги боис ХУМШ билан судлашмишда давом этапти. Жарималар миқдори аввалгидек юқори бўлиб қоляпти. Уларни яшовчиларнинг бадаллари ҳисобига тўлашга тўғри келади. Ширкатлар учун бундай текширувлар аввалгидек оғир аҳволга солишди, чунки натижада улар бир маромда фаолият юрита олмаёттилар.

Бир томондан, умумий уй ҳисоблагичининг йўқлигини электр таъминоти ташкилотининг ходимлари ҳуқуқбузарлик деб ҳисоблайдилар ва бунинг учун ХУМШга жарима соладилар. Бошқа томондан эса, ширкатлар ҳисоб-китобларини харид қиладилар, уларни ўрнатиш ва пломбаш учун етказиб берувчига мурожаат қиладилар, бироқ ТЭТК ходимлари буни бажаришлари учун узоқ вақт кутишга тўғри келади. Яъни кейинчалик ширкатлар пулни тўлашига тўғри келадиган вақт даври атайлаб яратилади.

Таъмирлаш пули қайтариладими?

Кўпинча юридик хизматга ХУМШ аъзолари мурожаат қиладилар. Бироқ биз жисмоний шахсларнинг манфаатларини суд органларида ҳимоя қила олмаимиз. Уларга маслаҳатлар берамиз, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирамиз. Бир нечта мисол келтираман. Ширкат аъзоси ХУМШга қарши даъво бериши

мумкин-мумкин эмаслиги тўғрисида савол билан келди. Сўз ширкат унга 445 минг сўм миқдорида мажбурий бадаллар бўйича қарзни ундириш талабини қўйганлиги хусусида борди. Бунда фуқарода 3 ой мобайнида иситиш амалга оширилмаган. У ХУМШга мурожаат қилган, етказиб берувчиларнинг вакиллари чакирган, улар иссиқлик таъминоти тизимларини текшириш бобида уч марта далолатнома туздилар. Уларнинг аниқлашча, иссиқлик энергияси параметрлари уйга меъёрларга мувофиқ берилган. Муаммо квартира стояклариди бўлиб, улар алмаштирилиши керак, далолатномаларда бу ҳол қайд этилган. Яъни бу ерда ХУМШнинг айби бор. Ширкат аъзоси судга қарши даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

2013 йилда фуқаро ўз ҳисобига томини таъмирлаган. Харажатлар 2 млн сўмни ташкил қилган, бу далолатномалар билан тасдиқланган. ХУМШ раҳбари унга қайта ҳисоб-китоб қилишни ваъда қилган. Фуқаро узоқ муддатли хизмат сафарига кетган. 2015 йилда уйга қайтиб, унга қайта ҳисоб-китоб қилинмаганлиги билган, аввалги ХУМШ раҳбари ишдан кетган. ХУМШнинг янги раҳбари эса 3 йил учун 2 млн 300 сўм қарзни ундириш даъвоси билан уни судга берган. Ушбу ҳисоблашда 50%ни пеня ташкил қилган – у кечикишнинг ҳар бир куни учун қарз суммасининг 0,1%ида тўпланиб борган. Даъво талабларида кўрсатилганидек, Президентнинг 11.02.2005 йилдаги ПҚ-5-сон қарорига мувофиқ шундай ҳисобланган. Бироқ ПҚ-5-сон қарорда сўз пеня белгиланмайдиган умумий мол-мулкни саклашга мажбурий бадаллар тўғрисида эмас, балки коммунал хизматлар учун ҳисоб-китоблар тўғрисида боради. Агар у қарши даъво берса, ундан ҳисобланган пеняни олишлари учун ҳуқуқий асосланма тақдим этиш лозим.

Фуқаро таъмирлашга сарфланган пулларини қайтара оладими?

Бунинг учун ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 30-моддасида назарда тутилган механизмга риоя этилиши керак. Яъни 5 йил аввал умумий йиғилишнинг уй-жой мулкдори томонидан мажбурий бадалларнинг бир қисmini тўлашнинг пул



шаклини унинг умумий харажатлардаги иштирокининг бошқа турларига алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилиши керак эди. Агар у кейинчалик харажатларни қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда томини таъмирлашга розилик олганлиги тасдиқланса, уй-жой-қурилиш экспертизаси ўтказилади, у томини таъмирлаш ўтказилган вақт ва унга қилинган харажатларни тасдиқлаши керак.

Пухталикини синаш

Албатта, суд жараёнлари ширкатлар учун жуда оғир. Улар учун бу – сабрбардош, пухта мустаҳкамлик синови. Маблағлар, куч, асаб, вақт сарфи. Судлар кўпинча тарафларга ҳурматсизлик кўрсатишади. Даъвони қўриб чиқиш вақтини тайинлашади, унга бир неча соат ўтгач киришадилар ёки кейинга қолдирадилар. Тиришиб ҳаракат қилмайдиган, ўз манфаатлари, ҳуқуқларини ҳурмат қилмайдиган, тўрачилик, сансалорликни, бошқа тўсиқларни ёнгадиган ширкатлар бор, улар ҳурматга сазоворлар.

Апелляция ва кассация шикоятларини бериш чоғида улар давлат божни тўлайдилар. Агар сўз етказиб берувчиларнинг ҳисоблашлари тўғрисида борса, бу – катта сумма. Ҳатто агар ХУМШ даъвои ютиб чиқса ҳам, давлат божини қайтариш анча мушкул иш.

ХУМШдан маблағларни ундириш тўғрисида суд қарори қабул қилинганда унинг счёти блокировка қилинади. Суд ижрочилари қарз суммасини ўз ҳисоб-рақамларига ундирадилар, кейин уни етказиб берувчига ўтказадилар. Бироқ пул уларда бўлган вақтда электр таъминоти ташкилоти яна бир марта шир-

катга ушбу суммани қўйиши мумкин. Бу кўп учраб туради. Баъзи ҳолларда ҳисоблашлар суммаси кўп бўлмаса, ХУМШ уни дарҳол тўлайди. Бунда шундай бўладиги, пул етказиб берувчига келиб тушган бўлса-да, бухгалтерия ниманидир кўздан нари қилган, пул маълумотлар базасига келиб тушмаган, Туман электр тармоғи ҳам учинчи марта ширкатга қарз суммасини тақдим этади, пеняни ҳисоблайди. Пеня қарз миқдоридан ошиб кетадиган ҳоллар учрайди. Тушунмовчилик юзага келади. Ушбу вазиятни ойдинлаштириш, инспекцияларга чопиш, исботлаш, вақт сарфлаш, асаббазарлик ширкат зиммасига тушади. Мазкур муаммони қандай бўлмасин ҳал этиш керак.

Судларда ХУМШ манфаатларини ҳимоя қилишда кўпинча етказиб берувчилар, суд ходимларининг палатпартишлиги, эътиборсизлигига тўқнаш келамиз. Айниқса кўпинча саналарда номувофиқликларга йўл қўйишади. Масалан, Тошиссиққуввати даъвоси бўйича суд қарорларининг бири 2017 йил 10 январда қабул қилинган. Ҳисоблашлар ҳисоб-китоб қилинишига асос бўлган текширув далолатномаси эса 17 январда имзоланган. Буни техник хато деб тахмин қилиш мумкин. Бироқ суд муҳокамасида ҳар қандай кичик палатпартишлик жуда катта роль ўйнаши мумкин.

Кўпинча ҳар бир суд қарорига бериладиган индивидуал рақамлар бобида англашилмовчилик юз беради. Кўринишча, ишлар оқими жўш урганда, шоша-шошарлик билан рақам ўзгартирилади. Кейин архивда суднинг бирор-бир

қарорини топиш қийин бўлади, чунки у бошқа рақам билан белгиланган.

Баъзи суд қарорлари ва ажримларини «бир қайнови ичидагилар» тоифасига киритиш мумкин. Масалан, «Богобод Коммунал» ХУМШ судга дебиторлик қарзини ундириш даъвоси билан мурожаат қилди. Суд қарорида эса сўз... Никоҳни бекор қилиш тўғрисида боради.

Мурожаатларнинг салмоқли қисми ХУМШни ўзгартириш муносабати билан ҳужжатларни расмийлаштиришда ёрдам кўрсатишга тааллуқлидир. Ширкатлар қотиб қолган идоралар эмас. Улар бўлинади, бирлашади... Баъзи фуқаролар беғам раис устидан шикоят қиладилар, катта ХУМШдан чиқишга ҳаракат қиладилар. Мустақил ширкатни рўйхатдан ўтказадилар ва бундан кейин

нима қилиш кераклигини, унга қандай хизмат кўрсатишни билмайдилар.

Кейинги вақтда бизга Тошкент вилоятдан ширкатлар юридик ёрдам сўраб мурожаат қила бошладилар. Улар ҳам коммунал хизматлар етказиб берувчилари даъволари бўйича нолишяпти. Улар бизнинг «худоудимиз» бўлмаса-да, тажрибамиз билан ўртоқлашяпмиз, қўлимиздан келганча ёрдам беряпмиз.



Тахририят почтасидан

Электр тармоғидан узиб қўйиш сабаблари

? *Электр энергиясини етказиб берувчи қандай ҳолларда уни истеъмолчига узатишни тўхтатиб қўйишга ҳақли бўлади?*

Р.Аҳмедова.

— Маиший истеъмолчилар (аҳоли) учун электр таъминоти шартномасида электр энергиясини узатишни чеклаш ва тўхтатиб қўйиш тартиби белгиланган (*Шартноманинг IV бўлими*). Электр таъминотидаги узилишлар, электр энергиясини узатишни чеклаш ва тўхтатиб қўйишга фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

Етказиб берувчи қуйидаги ҳолларда истеъмолчига энергияни етказиб беришни тўхтатиб қўяди ва узиб қўйиш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди:

а) электр таъминоти корхонаси (бундан кейин — корхона) тизимида аварияларнинг олдини олиш ёки уларни бартараф этишга доир шовилинч чораларни келишувсиз ва огоҳлантиришсиз қабул қилиш зарур бўлганда;

б) электр таъминоти шартномасиз энергия истеъмол қилинганда;

в) «Ўзстандарт» агентлиги белгиланган тартибда текширган энергияни ҳисобга олувчи ҳисоб-китоб асбоблари йўқ бўлганда;

г) шартномада белгиланган муддатда энергия учун ҳақ тўланмаганда;

д) корхона тармоқларига электр қабул қилгичлар ўзбошимчалик билан улаб олинган ёки электр қабул қилгичлар ҳисобга олувчи ҳисоб-китоб асбобларидан ташқари улаб олинганда,

энергияни ҳисобга олиш чизмалари, ҳисобга олувчи ҳисоб-китоб асбоблари пломбалари бузилганда;

е) корхона вакили ҳисобга олувчи ҳисоб-китоб асбоблари олдида қўйилмаганда (*Шартноманинг 4.2-банди*).

Кўрсатилган ҳолларда истеъмолчи шулар билан боғлиқ харажатларни қоплаганидан кейин навбати билан ягона электр энергияси тизими электр тармоқларига тақдоран уланади ва энергия етказиб бериш тикланади (*Шартноманинг 4.3-банди*).



Реклама

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»



Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Талиммаржон кўч., 1/1. Тел. (998 71) 200-00-90.

E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

ХУМШ аъзоси бўлишни истамайман



Мени ширкатимизнинг иши қониқтирмайди. Ҳеч нима қилмайди, фақат бадаллар миқдорини оширишни билади. Аслини олганда, унга қирмаганман ҳам. ХУМШ аъзоларидан воз кечсам бўладими?

А.Михайлов.

— Ширкат кўп квартиралари уйдаги хусусий уй-жой мулкдорларининг умумий мол-мулкни биргаликда бошқариш ва сақлаш учун барпо этилади. ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 29-моддасида белгиланишича, умумий мол-мулк жой мулкдорларига умумий улушли мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Жой мулкдорининг умумий мол-мулкдаги улуши асл ҳолида ажратиб берилиши мумкин эмас. Жой мулкдорлари умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатлари биргаликда зиммаларига олишлари шарт (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 30-моддаси).

ХУМШ тўғрисидаги Қонун моҳиятидан келиб чиқишича, кўпчилик уй-жой мулкдорларининг ихтиёрий қарори билан уйда ширкат барпо этилганидан сўнг барча мулкдорлар ХУМШ аъзоларига айланади. Бу ширкат ташкил этилган уйдан жой олган шахслар ўзларида

шу жойга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келган пайдан эътиборан ширкат аъзоси бўлиши билан тасдиқланади (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 13-моддаси).

Ширкатга аъзолик қўйидаги ҳолларда тугатилади: жойга бўлган мулк ҳуқуқи бекор қилинганда; айрим кўп квартиралари уйдаги жой мулкдорларининг кўпчилиги томонидан ширкатдан чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинганда; ширкат тугатилганда (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 14-моддаси). Яъни уй-жойларнинг барча мулкдорлари, агар бунга кўпчилик овоз берган бўлса, ХУМШ аъзолари бўлмай қўйдилар (алоҳида мулкдор эмас).

Шу тариқа, ХУМШ тўғрисидаги Қонунда белгиланишича, кўп квартиралари уйдаги умумий мол-мулкда умумий улушли мулк ҳуқуқида иштирок этиш ширкатга бирлашиш асоси ҳисобланади. Жисмоний ёки юридик шахс ХУМШ ташкил этилган уйдаги уй-жой мулкдори

ҳисобланар экан, у ширкат аъзоси бўлади. Қонунда уй-жойнинг алоҳида мулкдори аризасига кўра ХУМШда аъзолик юзага келиши ҳам, тугатилиши ҳам назарда тутилмайди.

Айни пайтда ширкат — мулкдорларнинг умумий мулкни бошқариш ҳуқуқини амалга оширишнинг ягона усули эмас. ФКнинг 219-моддасида белгиланишича, улушли мулкдаги умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш унинг барча иштирокчилари келишувига мувофиқ амалга оширилади. Бундай келишувга эришилмаган тақдирда, улушли мулкдаги умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш суд томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Яъни юридик шахсни (ХУМШ) барпо этмаган ҳолда мулкдорлар жамоасининг умумий мулкни бевосита бошқариши имконияти ҳақида сўз бормоқда.



Буни билган яхши

Ҳокимлик ижтимоий тармоқларда мулоқотга киришди

Пойтахтдаги Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги Фейсбукда саҳифа очди. Ташриф буюрувчиларга мурожаатда айтилишича, бу маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни самарали ҳал этиш учун давлат ҳокимияти органининг аҳоли билан узвий ҳамкорлик қилиши мақсадида барпо этилган пилот лойиҳадири.

Илк бор ҳокимлик ўз фаолияти ҳақида аҳолини ахборот билан таъминлаш масъулиятини зиммасига олди ва саҳифага ташриф буюрувчилардан саволларга ўз вақтида муносабат билдирилмаганда вазиятни тўғри қабул қилишни сўради. Жавоб албатта берилади, — дея ишонтирдилар ушбу хайрли иш ташаббускорлари.

Тошкентликлар ташаббусни ижобий қабул қилдилар ва дарҳол мулоқотга киришдилар. Дастлабки шарҳларда йўлларни таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, болалар майдонча-

ларини қуриш зарурати, квартиралардаги қоникарсиз иситиш, истеъмолчиларга коммунал хизматлар кўрсатишда уларнинг ҳуқуқларини бузиш сингари саволлар янгради. Саҳифа ташкилотчилари шарҳда кўрсатилган кўчани ободонлаштиришга доир таъмирлаш-қуриш ишлари фотоҳисоботини тақдим этиб, тезкор муносабат билдирдилар, иситиш ва коммунал хизматлар билан боғлиқ муаммолар моҳиятини аниқлаштириб, уларни яқин орада қўриб чиқишга ваъда қилдилар. Қайтар алоқага чиқишингизни кутамиз!



Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.



Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Бозорлар ўрнига гипермаркетлар қурилади

Президентнинг 27.03.2017 йилдаги қарори билан 2017–2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудда замонавий савдо мажмуалари қуриш дастури тасдиқланди.

Дастурда 4 типдаги гипермаркет, супермаркет ва минимаркетлар кўринишидаги, шунингдек уларга туташ майдонларда барпо этиладиган енгил конструкцияли, вақтинчалик йиғма павильонлардан иборат замонавий савдо мажмуаларининг намунавий лойиҳалар бўйича қурилиши назарда тутилган. Дастури Республика комиссияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги ҳудудий ишчи комиссиялари амалга ошириш билан шуғулланади.

Чора-тадбирлар қуйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

➤ **қишлоқ жойлардаги** деҳқон бозорлари ҳудудда замонавий савдо мажмуалари қурилиши – Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (ТИФ МБ) маблағлари ҳисобига, **шаҳарларда** эса – тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, МБнинг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган фоизларда камида 5 йил муддатга ва асосий қарзни қайтариш бўйича камида 1 йиллик имтиёзли

давр билан ажратиладиган тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига;

➤ **шаҳарлар ва қишлоқ жойлардаги** бозорларга туташ майдонларда барпо этиладиган енгил конструкцияли вақтинчалик йиғма павильонлар қурилиши – ТИФ МБ маблағлари ҳисобига;

➤ **савдо мажмуаларига** туташ ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда автотураргоҳларни ташкил этиш – ТИФ МБ ҳамда тадбиркорлик субъектлари маблағлари ҳисобига.

Қурилиши амалга ошириш учун ТИФ МБ ҳузурида Бозорлар қурилиши дирекцияси ташкил қилинди, у республика ҳудудларида пудрат ташкилотларини танлаш ишларини амалга оширади. Қурилиши тугалланган объектлар тадбиркорлик субъектларига сотилади.

2020 йил 1 январгача бўлган муддатда:

Бозорлар қурилиши дирекцияси – замонавий савдо мажмуаларини қуриш учун берилган ер участкалари учун **ер солиғи**, шу жумладан битимларни **давлат рўйхатидан ўтказишда давлат божлари ва йиғимлар**, қурилиши тугалланган замонавий савдо мажмуаларини белгиланган тартибда сотишдан олинган даромадлар бўйича **юримдик шахслардан олинган фойда солиғи, ҚҚС, ободонлаштириш ва иж-**

тимой инфратузилмани ривожлантириш солиғи, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига **мажбурий тўловларни** тўлашдан;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, замонавий савдо мажмуалари қурилишига сэндович-панеллар етказиб берадиган ташкилотлар – **божхона тўловларидан** (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) **озод этилади**.

Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб деҳқон бозорларига туташ ҳудудларда жойлашган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари ушбу деҳқон бозорлари таркибига ўтказилади ва кейинчалик улар фаолиятдан тушган пул тушумлари деҳқон бозорларининг солиқ солинадиган даромадлари таркибига киритилади ҳамда ушбу маблағларнинг 50%и маҳаллий бюджетларга йўналтирилади.

Бундан ташқари, 50 та ва ундан ортиқ савдо ўринлари мавжуд бўлган барча деҳқон бозорларида, шунингдек деҳқон бозорларига туташ ҳудудлардаги автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимнинг йиғилиши давлат солиқ хизмати органларининг ходимлари томонидан назорат қилиниши таъминланган ҳолда фақат банк тизими орқали ундирилишини автоматлаштирилган тарзда ҳисобга олиш мажбурий тартибда жорий қилинади. Йиғимнинг ўз вақтида ва мунтазам тўланишини назорат қилиш солиқ хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади.

Қарорда шунингдек ваколатли давлат органларига топшириладиган қатор вазифалар белгиланган.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш билан Давлат қўмитаси шуғулланади

Президентнинг 31.03.2017 йилдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди.

Бу орган ягона давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун масъул ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов раҳбарлик қиладиган Ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси таркибига киради.

Бундан ташқари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекэкспертиза» АЖнинг қуйидаги вазифалари Қўмитага ўтказилади:

➤ чет эл компания ва ташкилотлари ваколатхоналарини аккредитациядан ўтказиш;

➤ битта шартнома бўйича қиймати эквивалентда 100 минг АҚШ долларидан зиёд бўлган инвестиция

лоийҳалари, жумладан, тайёр ҳолда топшириладиган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида харид қилинадиган ускуналар, техника ва технологиялар, бутловчи буюмларнинг нарх кўрсаткичларига доир импорт шартномаларини экспертизадан ўтказиш;

➤ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида тендер натижалари бўйича тузилган импорт шартномаларини буюртмачи банк кафолатини олганини тасдиқлаганидан кейин амалдаги қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказиш.

2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси зиммасига инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида технологик ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар етказиб бериш, шунингдек, битта шартнома бўйича қиймати эквивалентда 100 минг АҚШ долларидан ортиқ ҳажмдаги ишлар (хизматлар)нинг бажарилиши юзасидан тендер (танлов) савдолари натижаларини мувофиқлаштириш, экспертизадан ўтказиш, келишиш ҳамда уларга риоя этилишини назорат қилиш вазифалари қуйидагиларни назарда тутган ҳолда юклатилади:

➤ Ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида жалб этилган кредитлар (қарз маблағлари) ҳисобидан молиялаштириладиган;

➤ Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан биргаликда молиялаштириладиган;

➤ устав фондида давлат улуши 50 фоиздан зиёд бўлган ҳўжалик субъектлари томонидан хорижий инвестициялар (кредитлар) ҳисобидан тайёр ҳолда топшириладиган лойиҳалар доирасида харид қилинадиган.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига иқтисодиётнинг таянч тармоқлари ва инфратузилмани ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда илгор технологияларни, устувор дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун техник қўмаклашиш маблағлари (грантлар) ва имтиёзли кредитларни жалб этиш бўйича бажарилган ишлар тўғрисида тахлилий материаллар, ҳисоботларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан инвестиция соҳасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга доир тақлифларни ҳар чорақда мунтазам тақдим этиб бориши шарт.

2017 йилда Ҳукумат томонидан Олий Мажлисга 30 та қонун лойиҳаси киритилади

Вазирлар Маҳкамасининг 28.03.2017 йилдаги 160-сон қарори билан 2017 йилда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш дастури тасдиқланди.

Дастур 30 банддан иборат, улардан 22 таси – Президент қарорларида назарда тутилган қонун лойиҳалари, 8 таси – давлат бошқаруви органларининг ташаббуслари ва тақлифлари. Улардан қуйидаги қонун лойиҳаларини таъкидлаб ўтамиз:

«Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»;

«Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида»;

«Аҳоли бандлигига қўмаклашиш нодавлат ташкилотлари (рекрутинг агентликлари) тўғрисида»;

«Меҳнат миграцияси тўғрисида»;

«Яраштирув жараёнлари (медиация) тўғрисида»;

«Давлат хизмати тўғрисида» ва бошқалар.

Банкда ҳисобрақам очиш учун таъсис ҳужжатлари керак бўлмайди

Марказий банк Бошқарувининг қарори (АВ томонидан 24.03.2017 йилда 1948-12-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси банкларига очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (9.02.2017 йилдаги 66-сон) мувофиқ қабул қилинди.

Йўриқномадан **улгуржи савдо корхоналари – ЯСТ тўловчилари томонидан миллий валютадаги асосий ва иккиламчи ҳисобварақлари улар давлат рўйхатидан ўтган жойидаги тижорат банкларида (уларнинг филиалларида) очилиши лозимлиги ҳақидаги норма чиқариб ташланди**. Шундай қилиб, энди улгуржи савдо корхоналари исталган банкда асосий ва иккиламчи ҳисобварақларни очишга ҳақлидирлар.

Бундан ташқари, ҳужжатда белгиланишича, **тадбиркорлик фаолияти субъектлари* бўлган резидент юридик шахслар томонидан ҳисобварақлар очиш учун банкка давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек таъсис ҳужжатларининг нусхалари** (нотариал тасдиқланган) **тақдим этилмайди**. Банклар мазкур маълумотларни Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимдан оладилар.

Шунингдек белгиланишича, ҳисобрақамни очиш учун аризага муҳр, у мавжуд бўлган тақдирдагина, қўйилади.

Ҳужжат 1.04.2017 йилдан кучга кирди.

*Шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда деҳқон ҳўжаликлари.

Лицензиясиз реклама

Ижтимоий тармоқларда махсулотни илгари суриш реклама ҳисобланадими ва бунинг учун лицензия керакми?

Т.Хубиев.

— Ҳа, ҳисобланади.

Бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки jisмоний шахслар, махсулот, шу жумладан товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборот реклама деб тан олинади («Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси).

Реклама фаолияти лицензияланадиган фаолият сирасига кирмайди (Рўйхат, ОМнинг 12.05.2001 йилдаги 222-И-сон қарорига 1-илова), шу сабабли лицензия талаб этилмайди.

Ҳаммани ҳисоблаймиз

Корхонамиз кичик корхона ҳисобланади, ходимлари сони 50 кишидан ошмаслиги керак. Раҳбарият яъни ходимларни ўриндошлик асосида қабул қилмоқчи, натижада уларнинг сони 50 кишидан ошади.

Қонун ҳужжатларида кичик корхоналар учун белгиланган ходимлар сонига ўриндошлик асосидаги ходимлар қирадимиз?

Е.Алимова.

— Ўриндошлик асосида ишга қабул қилинган ходимлар сони кичик тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан кичик корхона ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлашда ҳисобга олинади.

Бунинг устига, уларнинг сонини белгилашда пудрат шартномалари ва фуқаролик-ҳуқуқий характердаги бошқа шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек унитар корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳам ҳисобга олинади («Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси 2-қисми).

Эркин Ҳосилов,
«Norma Online» эксперти.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Ўриндош директор

Ходим асосий иш жойи бўйича корхонада ишлайди. Яқинда у ўз номига ХК очгани маълум бўлди.

Асосий иш жойи бўйича корхонада ишловчи ходим ўз номига ХК очиши ҳам мумкинми?

А.Абдиева.

— Юридик шахс мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади (ФКнинг 42-моддаси). Корхона ходими бўлган jisмоний шахс ишламайдиган шахс сингари фуқаролик ҳуқуқларига эга. Шу тариқа, корхона ходими ўз

хусусий корхонасини очиш ва рўйхатдан ўтказишга ҳақли.

Бироқ хусусий корхона муассиси унинг директори бўлиши ҳам кераклигини ҳисобга олиш зарур («Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси). Шу сабабли ходимнинг асосий иш жойи сизда бўлса, у хусусий корхонада ўриндошлик асосида директор бўлиб



ишлаши керак (ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 5-банди).

Бошлиқ жавоб беради

Корхона директори вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш мумкинми?

Газетхон.

— Юридик шахснинг мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганда жавобгарликка тортилади. Булар бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий мухитни, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига қирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик

билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар бўлиши мумкин.

Доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланган ёки сайланган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий

бошқарув, маъмурий-ҳўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс мансабдор шахс деб эътироф этилади (МЖТКнинг 15-моддаси).

Шу тариқа, директор бўлган шахс ушбу мажбуриятни вақтинча бажарган тақдирда ҳам — мансабдор шахс саналади. Бинобарин, уни хизмат вазифаларини бажараётганда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортиш мумкин.

Ходим вафот этди, иш ҳақи қолди

Корхонамиз ходими вафот этди. Унга тўланиши лозим бўлган иш ҳақини кимга тўлашимиз керак?

Газетхон.

— Ходим вафот этган кунга қадар олинмаган иш ҳақи унинг оила аъзоларига, шунингдек меҳнатга қобилиятсизлиги туфайли вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган шахсларга берилади (МКнинг 162-моддаси). Оила аъзолари деганда эр-хотин, ота-она ва болалар (фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар) тушунилади (ОКнинг 5-моддаси).

Афсуски, қонун ҳужжатларида мурожаат қилиш муддатларини ва бундай тўловни тўлаш тартибини белгилувчи бошқа қоидалар назарда тутилмаган.

Мисол учун, РФ Меҳнат кодексига белгиланишича, вафот этган ходимнинг иш ҳақи иш берувчига тегишли ҳужжатлар тақдим этилган

кундан бошлаб бир ҳафтадан кечиктирмасдан тўланади (141-модда). Фикримизча, бундай ҳужжатлар бўлиб ариза ва вафот этган шахс билан қариндошликни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади. Бунинг устига, РФ Фуқаролик кодексига белгиланишича, ходимга тўланиши лозим бўлган, бироқ у ҳаётлик чоғида олмаган суммаларни (шу жумладан иш ҳақи) тўлаш ҳақидаги талаблар у вафот этган кундан бошлаб 4 ой давомида тақдим этилиши шарт (РФ ФКнинг 1113-моддаси, 1183-моддаси 2-банди). Ушбу суммаларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар бўлмаганда ёхуд улар белгиланган муддатда тўлаш ҳақида талаб қилмаганда мазкур суммалар мерос таркибига

киритилади ва умумий асосларда мерос қилиб қолдирилади (РФ ФКнинг 1183-моддаси 3-банди).

Шу муносабат билан амалдаги қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиши ва қуйидагиларни белгилашни мақсадга мувофиқ деб биламиз:

○ вафот этган ходимнинг иш ҳақини олиш учун мурожаат қилиш муддати ва тартиби;

○ ушбу тўловни мерос таркибига киритиш имконияти (имконсизлиги);

○ қариндошларнинг мурожаати биргалликда бўлиши шартлиги ёки, битта оила аъзоси мурожаат эта олса, бунда бошқаларнинг розилигини олиш зарурлиги;

○ қимми меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари деб ҳисоблаш кераклиги («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига риоя этиш зарурми);

○ вафот этган ходимнинг иш ҳақи таркибига меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бошқа тўловлар (фойдаланилмаган таътил учун компенсация, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасининг ҳисобланган суммаси ва ҳ.к.) киритилиши.

Сабоҳат Султонова, «Norma Online» эксперти.

Ижтимоий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛНЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нашри — «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи — 186. Қўғоқ бини — А3. Ҳажми — 2 бошма табоқ. Баҳоли янгиликлар нарҳида.
Буюртма 908. Адади 1 145. Газета 2017 йил 10 апрель соат 18.30 да топирилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича — 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.